

ҚОРАМОЛЛАР ҚИСИР ҚОЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Қўлдошев О. У., Мавланов С.И., Хўжамов Ж.Н.,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон.

Х. Қувватов,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Чорвачиликни ривожлантириш деҳқон ва чорва масулдорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири — сигирлардан унумли фойдаланиш, қисирликни олдини олиш, қисир қолишга йўл қўймаслик, уруғланиш миқдорини ва сифатини ошириш, оталанишни қўтариш ҳамда ёш бузоқларни сақлаш тадбирларини йўлга қўйишдан иборатдир. Жумладан, Президентимизнинг 23 март 2006 йилдаги ПҚ-308-сонли ва 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорлари соҳа ривожига катта замин яратиб дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда. Озиқлантиришни яхшилаш билан бир қаторда хўжаликлардаги чорвачилик ишларини юритишни такомиллаштириш, шунингдек, илғор фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш эвазига мол туғгани бирмунча қўпайтириш ҳозирги куннинг асосий вазифалардан биридир.

Қорамолларни қисир қолишини олдини олиш тадбирларини муваффақиятли ўтказиш учун, аввало қисир қолишни сабабларини аниқлаш керак ҳамда гинекологик касалликларини даволашда замонавий усуллардан фойдаланиш лозим.

Ҳозирги статистик маълумотларга кўра, пода қайта тўлдириш талабга тўла жавоб бермаяпти, чунки фермер хўжаликлар ва туманлардаги чорва мутахассисларни яхши иш юритмаслигидан далолат беради. Шу билан бирга, подани қайта тўлдиришни муваффақиятли амалга ошириш учун пуштсизлик ва қисир қолишга йўл қўймаслик зарур. Сигирлар қисир қолишга қарши курашдан яхши натижа олиш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Сигир ва таналарни қисир қолишида кўпгина сабаблар мавжуд, булардан асосийлари ҳайвонларни сифатсиз ёки тўйимлилиги паст озуқа билан озиқлантириш, ёмон парвариш қилиш, нотўғри сақлаш ва фойдаланиш, сунъий қочиришни этиборсиз ташкил қилиш ва ўтказишда камчиликларга йўл қўйилиши кабилардир. Жинсий аъзоларнинг туғуруқ ва туғишдан кейинги даврда пайдо бўладиган турли касалликлар оқибатида пуштсизлик сабаблари келиб чиқади.

Зооветеринария мутахассисларини сигирлар қисир қолишга қарши асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир: - ҳайвонларга мустаҳкам юқори сифатли озуқа базасини яратиш ва тўйимли озуқлантириш учун курашиш, жинсий аъзоларда учрайдиган инфекцияларни йўқотиш, сигир ва таналарнинг гинекологик касалликларини янги дори-дармонлар ва усуллар ёрдамида ўз вақтида даволаш, сунъий қочириш пунктларини замонавий жиҳозлаш, сигирлар ҳолатини мунтазам ветеринария кузатуvidан ўтказиш. Бунинг учун сигирларни қисир қолишга олиб келадиган сабабларни олдини олишда қуйидаги ташкилий зооветеринария чора-тадбирларини ўз вақтида сифатли бажариб бориш зарур:

- сигирларни туғишга икки ой қолганида тўйимли озуқалар билан боқиш жуда муҳимдир, чунки бу даврда сигир организмда оксил, қанд, кальций, углеводлар, минерал тузлар алмашилиши ўзгаради. Сигирлар туққандан кейинги дастлабки даврда шу моддалар миқдори камаяди, айниқса, киш ва эрта баҳор фаслларида озуқа рационидида молнинг ҳаёти учун зарур бўлган витаминларга, макро-микроэлементларга бой бўлмоғи лозим, чунки улар жинсий аъзолар фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилади;

- ҳар бир ферма ветеринария — санитария талабларига асосида қурилган бўлиши, алоҳида қочириш пунктига эга бўлиши лозим. Унда манеж, лаборатория, ва асбоб-ускуналарни ювиб тозалайдиган хоналарни бўлиши керак;

- янги туғилган бузоқлар 2-3 кун давомида онаси билан бирга увуз сутидан тўйдирилса касалланмайди;

- сигирлар туғуруқхонада илк бор гинекологик текширишдан ўтказилиши лозим ва туғишдан 3-5 кун ўтиши билан кунига 3-5 км юриш га(мацион) мажбур қилиниши керак. Бу ишларни кўнгилдагидек ташкил қилиш сигирларни соғлиғига ва уларни янада туққандан кейин тезроқ буқага келишига ижобий таъсир қилади;

- қочирилган, сигирлар бир ой давомида қайта қуйга келмаса, буғоз бўзланг деб ҳисобланиб, навбатдаги сут ишлаб чиқариш гуруҳига ўтақилиши лозим;

- Туғишдан кейин 60 кун давомида букага келмаган сигирлар ажратилиб, ветеринар ва сунъий қочирувчи мутахассис билан биргаликда бунинг сабаби аниқланади, даволаш тадбирлари ўтказилади;

- Микроклимат мўтадил бўлмаса, бинода ёруқлик, ҳарорат, намлик етарли бўлмаса, амаак, сероводород, оксиди сингари заҳарли газлар меъеридан ортиқ бўлса, ҳаво ҳаракатининг тезлиги ошса ва бошқа сабаблар туфайли сигирларнинг куйга келиши ва оталаниши кескин камаяди.

Молларни урчитиш ва улар сифатини яхшилаш суръатлари дастлабки жиддий сабабларидан бири-чорво фермер хўжаликларида қорамоллар трихомонози, вибриози, кампилобактериози ва бошқа сурункали касалликлар мавжудлигидандир. Бу касалликлар хўжаликларда бартараф этилмаса ҳайвонларда наслчилик ишларини яхшилаб бўлмайди. Шунингдек, молларни урчитиш ва соғлом насл олишда чорво фермер хўжаликларида режали равишда гинекологик касалликлар бор-йўқлигига текширишлар асосида зарур чора-тадбирлар белгилаш муҳимдир. Ветеринария фаннининг исботи ва ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, сигирлар туққандан кейин бир ой вақт ўтказ қочирилса, ҳар 100 бош сигирдан 110 бош гача, икки ойлик вақтида қочирилиб оталвантирилса – 103 гагача, 80 кунда -97 бош, 100 кунгача қочирилганда – 91 та дан, 120 кунда қочирилганда-85 та соғлом бузоқ олиш мумкин.

Сигирларни 30 фоизгача куйга кериш муддати 6 соатга тўғри келади, 22 фоиз сигирларни куйга келиш даври кечги пайтда, яъни соат 18 дан эрталаб соат 6 гача тўғри келади. Бузоқ олишни кўпайтириш учун сигирларни куйга келишини кунда 2-3 маротабага етказиш мақсадга мувофиқдир. Агарда сигирларни куйга келиш ҳолати кунда 1 марта бўлса, унда 40 % гача сигирларни куйга келиш ҳолати йўқ бўлади, демак йилнинг якунида ҳар 100 бош сигирдан 8-10 бош бузоқ олинмаслиги қайд қилинади.

Ҳар 100 бош сигирдан 90-95 тадан бузоқ олиш мумкинлиги тажрибаларда аниқланган, агар 1 йилда сигирларнинг 15-20 % 2 марта туққан тағдирда. Бунинг учун январь – февраль ойларида сигирларнинг 15-20 % туққандагина бўлади бу туққан сигирлар март ойининг 15-20 сига қайтадан уруғлантирилса.

Бу ҳолат хўжаликлардаги аксарият сигирлар туққандан кийн 40-60 кун муддат ўтгач қайтадан уруғлантирилса, қайсиким сервис давр ва туғишлар ўртасидаги вақтни қисқартириш натижасида бажарилади.

Фан соҳасининг ва илғор фермерларнинг иш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун, ишлаб чиқаришдан оқилона ва унумли фойдаланиш, шу соҳа мутахассисларининг пухта ҳаётий тажрибаларига ҳамда фан ютуқларига амал қилган ҳолдагина эришиш мумкин.

Республиканинг бир қатор чорвачилик фермер хўжаликларида қорамоллар ўртасида бола олишнипнг талабга жавоб бермаслиги анча хаф туғдирмоқда. Кўпгина чорва фермер хўжаликларида ҳар йили 25-40 % сигирлардан ва 35-45 % қочириш ёшидаги таналардан бузоқ олинмайапти. Шу билан бир қаторда вилоятлар миқёсида подани қайта тўлдириш бўйича олинган маълумотларга қараганда йиллар давомида ҳар 100 бош она ҳайвондан бузоқ олиш сони ошмаган аксинча камайган, бу эса, хўжалиklar ва туманларда бола олиш самарадорлигини паст даражада эканлигидан двалолат беради. Аксарият чорва фермер хўжаликларида зооветеринария хизматининг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида бола олиш ошганлиги маълум бўлди.

Моллар маҳсулдорлигини ошириш Республика чорвадорларидан чорва фермаларидаги ишларни тўғри ташкил этиш, шунингдек, ғуножинларни парваришлаш ва асраш усулларини, сигирларни туғишга тайёрлашни ва бузоқларни ўстиришни тўғри йўлга қўйишни тақозо этади. Бунинг учун, биринчи навбатда ёш бузоқларни боқиш ва ўстиришни, сигирлардан кўп сут соғиб олишни, озиклантириш технологиясини, қочириш ва кўпайтиришни, уларни қуйикиши, буғозлик даври, қисир қолиш сабабларини пухта билмай туриб ҳеч қачон меҳнат унумдорлигига эришиб бўлмайди. Ана шу умумий жараёнлар тўла-тўқис бажарилса сигирлар туққандан сўнг уларнинг қайта куйга келиш муддати қисқаради. Бу чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллигини асосий бўлган бузоқ олиш миқдорини кўпайишига олиб келади. Республика чорвадорларимизнинг ветеринария ва зоотехния иш жараёнларини тўғри, мукамал, амалга оширишнинг асосини шу соҳа мутахассисларининг пухта ҳаётий тажрибаларига ҳамда фан ютуқларига амал қилган тақдирдагина ундан кўзлаган маррани эгаллаш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтмаизки, ҳайвонларни қочиришга тайёргарликни буғозлик даврида, сутдан чиққан вақтидан бошлашни тавсия этамиз. Юқорида келтирилган тавсиялар натижасида сигирлар туққандан сўнг тезда куйга келиб оталаниши, сунъий омиллар натижасида эмас балки табиий омиллар: яъни куёшда сайр қилдириш, озуқа рационини тўлиқ бериш, бука билан саклаш натижасида эришиш мумкин. Сигирлар организмда кечадиға ҳар қандай жараён жинсий органларига таъсир кўрсатади, булар умумий модда алмашинуви, яйратиш даврининг қанчалиги, молхонадаги микроклимат қай даражадалиги, сигирларни буғозлиги, туғиш ва туғишдан кейинги давлари меъёрда ўтишини таъминлайди.

Резюме:

Часто коровы после отела 5-6 месяцев не приходят в охоту, а осемененные животные страдают перегулами, из-за инфицирования гениталий сопутствующей микрофлорой, что необходимо учитывать при лечении гениталий и стимулировании воспроизводительной функции у животных.

Наиболее эффективной оказалась пероральная дача прозерина в комбинации с гормональными препаратами (прогестерон, гонадотропин) и полимерной суспензией.

Summary:

Often cows afterwards calves 5-6 months not comes in wish, now inseminations animals sufferers embryonic mortality is the penetration in females generalist the specific sexual infection. At this the principal role play the which is necessary by treat for an illness' endometritis and stimulates reproductive function by animals.

The best effect come out per orals give protein in combination with germinates preparaticos (progesteron, gonadotropin) and polimer suspensions of the azidin or diamidin.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўпайтиришни рағбатлантиришни кўчатириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (ПҚ-842). – Тошкент, 2008 йил 21-апрель.
2. Балашов Н.Г. Ветеринарный контроль при искусственном осеменении животных – М: Колос, 1980. 272 с.
3. Епишин В.А. и др Пробиотик зоонорм при эндометрите коров Ветеринария, М., 2004, №7.
4. Муртазин Б. Ф. Қўлдошев О. У. Симптоматик пушпизилик. Ўзбекистон кишлоқ хўжалик журнали. – Тошкент 2007. й Н 18 б.
5. Муртазин Б. Ф. Пулатов Г.С. Қўлдошев О. У. Эмбрион улим// Ветеринария – Тошкент 1996. №3 с 16.
6. Студенцов А.П. и др Акушерство, гинекология и биотехника размножения животных. М.: Колос. 2005.
7. Муртазин Б. Ф. Бактериальные аспекты Акушерско-гинекологической патологии коров Афтореферат дотор наук. – Самарқанд – 2009 й.
8. Носиров У Ўзбекистонда наслчилик иши ва наслчилик базасини такомиллаштириш муаммолари // Зооветеринария, 2009. – № 10. 10-19 бет.

УДК: 616.98:579.852.13:636.294

НОВОЕ СРЕДСТВО ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ НЕКРОБАКТЕРИОЗА ЖИВОТНЫХ

Лайшев К.А.,

Северо-Западный центр продовольственного обеспечения, Санкт-Петербург, Россия.

Кузьмин В.А.,

ФГБОУ ВО СПбГАВМ, Санкт-Петербург, Россия.

Деев И.А.,

СКТБ «Биофизприбор», Санкт-Петербург, Россия.

Самандас А. М., Прокудин А.В.,

НИИ сельского хозяйства и экологии Арктики, Норильск, Россия.

Вылко Ю.П.,

Нарьян- марская СХОС, Россия.

Гнойно-некротические поражения в области дистальных участков конечностей чаще встречаются в отгонном животноводстве (овцеводство, домашнее оленеводство). Способствуют этому выпас животных на заболоченных участках, особенно при активном лете кровососущих насекомых и оводов: высокая влажность способствует мацерации кожи нижних частей конечностей и копытного рога, их легкой ранимости от самых незначительных механических повреждений. Именно открытые раневые поверхности являются воротами для внедрения возбудителя некробактериоза *Fusobacterium necrophorum*, а в дальнейшем и вторичной патогенной микрофлоры. Некробактериоз занимает одно из ведущих мест среди инфекционных заболеваний животных и по своей распространенности занимает третье место после лейкоза и туберкулеза. По данным С.Д.Панасюка (2007) у овец заболелаемость конечностей некробактериозом и копытной гнилью в зависимости от региона варьирует от 3,6 до 38,1 % в Ставрополье и от 30,0 – 52,0 % в хозяйствах Центральной России и от 8,0 до 86,0 % в хозяйствах Республики Киргизия [2].

Для некробактериоза характерны гнойные поражения области подошвы и межкопытной щели, венчика, иногда наружных роговых стенок копыт. Отмечают отечность сустава фаланги копыта,